

## **ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Э. Х. Исаков

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» кафедраси мудири Ҳ. Х. Раззоқов

Жаҳоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ҳамда илм-фан майдонида мавжуд интеграция жараёни, уларни ҳар томонлама глобаллашувига олиб келмоқда. Кейинги йилларда Республикамизда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлашиб бориши, ҳаётимизга инновация ва интеграция тушунчаларини янада кенгроқ ўрганиш ва янада илмий асосда ёндашувга етакламоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айни пайтда илмфанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар самарасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги илмий-амалий анжумандан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт

соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги 704-сонли “Олий таълим муассаларида илмий изланишлар олиб бораётган докторантлар ва иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида тажриба-синов ишлари учун шароит яратишни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғини амалга ошириш каби устувор вазифалар назарда тутилган. Бундай эзгу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган “Замонавий тадқиқотларда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги мазкур

конференция фан-таълим тизимини инновацион ривожлантириш орқали баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган саъйи-ҳаракатлардан бири ҳисобланади. Бугунги конференциянинг асосий мақсади ҳам олий таълими муассасаларида иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёшлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишлари учун шароит яратиб бериш, ёшларни фан-техника таракқиёти йўлида бирлаштириш ҳамда ёш олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Институтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли Фармонига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси таъминлаш юзасидан институтда илмий-тадқиқот ишлари, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, бажарилаётган давлат илмий техника дастурлари ва хўжалик шартномалари, иқтидорли талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан институтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатига

кирувчи илмий-оммабоп журнални ташкил этилиши, 2+2 икки томонлама таълим мутахассисликларини очилиши фикримизнинг яққол далилидир. Кадрларни мақсадли тайёрлашда олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, талабаларнинг амалий машғулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида самарадорлигини ошириш, таълим дастурлари ва талабалар билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштириш, олиб борилаётган тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни йўлга қўйиш каби масалалар келажадаги долзарб ва муҳим вазифалардан деб белгилаб олинган.

Бугунги кунда Novateur Publication платформаси негизидаги International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology (ISSN No. (E):2394-3696 Impact Factor 2020 for IJERT is 7.525) ва JournalNX - a Multidisciplinary Peer Reviewed Journal (ISSN No. (E):2581-4230 Impact Factor 2020 for JournalNX is 7.223) ташкил этилган **“Замонавий тадқиқотларда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари»** мавзусида кўп тармоқли халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этилиши ва ушбу конференцияда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 2020 йил 14 сентябрдаги 17 сонли ҳамкорлик мемораундимга асосан қатнашиши, ўйлайманки, институтимиз

олимлари, докторант, магистрант ва илмий изланувчилари томонидан анжуманда берилган таклиф ва тавсиялар республикамизда турли соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур илмий-амалий конференция ишига мувафаққиятлар тилаган ҳолда,

Сизларга омад ва илмий изланишларингизга ривож тилайман. Келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман.